

Болалар руҳиятининг билимдони

З.Иброҳимов,

ТВДПИ катта ўқитувчиси

Худойберди Тўхтабоевнинг номи нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё муштарийларига яхши таниш. Ёзувчининг китоблари айниқса, болалар руҳиятини аъло даражада биладиган ҳурматли ёзувчимизнинг ҳар бир жумласи ўсмирларга хослиги учун ҳам уларнинг қалбидан чуқур жой олган.

Адибнинг асарларини ўқиб чиққан ҳар бир киши унда Худойберди Тўхтабоев ҳақида нима билмоқчи бўлган бўлса, шуни топиши мумкин. Ёзувчи асарларининг муваффақияти ҳам шунда.

Инсон табиати қанчалар мураккаб ва серқирра бўлмасин, унинг таърифи ҳамиша адабиётда акс этган. Инсоннинг тинч турган ҳолатида қандай эканлигини тушунтириб бўлмайди. У ўзгалар билан муносабатда, мулоқотда бўлгач, характер қирралари намоён бўла боради. Шундай экан, инсон тасвирини беришда муносабат, мулоқот масаласи алоҳида аҳамиятга эга.

Х.Тўхтабоев болалар ҳақида ёзар экан, руҳиятини очишнинг энг муҳим нуқтаси мулоқот эканлигини исбот этади.

Мулоқот шахслараро муносабатларнинг шундай кўринишидирки, унинг ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ўзаро руҳий жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир ўтказадилар, бир-бирларини ҳис қиладилар, бир-бирларини тушунадилар.

Шунинг учун, мулоқот ижтимоий психологик ҳодиса сифатида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида иштирок этиб, ҳамкорлик фаолиятининг моддий, маънавий, маданий, эмоционал, мотивацион қирраларининг эҳтиёжи сифатида вужудга келади. Инсонда юзага келадиган ҳар хил эҳтиёжларни мақсадга мувофиқ равишда қондириш мулоқот маромига боғлиқ бўлиб, шахслараро

муносабат, баркамол авлод, комил инсон ғояларини англатади.

Мулоқот ташқи таъсирлар, намуналар асосида ўзини-ўзи тузатиш, қайта тарбиялаш, шахсий имкониятини рўёбга чиқариш учун пухта замин ҳозирлайди, комиллик сари етаклайди.

Б.Г.Ананьев фикрича: «Мулоқот ижтимоий ва индивидуал ҳолатдир. Шунинг учун, нутқ билан узвий боғлиқ, коммуникатив вазифани бажаришда пантомимка, имо-ишоралар мулоқот шакллари сифатида юзага чиқади».

Демак, олим мулоқот тушунчасини умумий, ёш ва педагогик психология каби фанлар учун чуқур таҳлил қилиб берган.

Атоқли психолог олимлардан яна бири В.Н.Мяси́хев мулоқот масаласига чуқур ёндошган, уни ўрганган. Унинг фикрича : «Шахс турлича муносабатларда қарама-қарши сифатларни намоён қилиши мумкин».

Тажрибали психолог А.А.Бодалевнинг фикрича, «инсонни мулоқот орқали тарбиялашда бу унга қандай таъсир қилишини аввалдан ўйлаш зарур».

Шахс ривожланишида мулоқотнинг роли тўғрисида психологлар А.А.Любинская, Д.Б.Эльокинлар болада ўйин фаолияти орқали мулоқотнинг шаклланишини таъкидлайдилар. Мулоқот орқали шахснинг характери, иродавий сифатлари шаклланиши ҳақида П.Я.Гольперин, Н.Ф.Добрунин, Н.Ф.Талузи́налар ўзларининг тадқиқотларини ўтказганлар.

Шунингдек, республикамиз психологларидан М.Г.Давлетшин, Э./озиев, Н.П.Аникеева, Н.Сафоев кабилар мулоқот муаммосини турли томондан ёритиб берганлар. Жумладан, профессор Э./озиев «Муомала психологияси» ўқув қўлланмасида мулоқотнинг барча қирраларини назарий томондан очиб беришга ҳаракат қилган. Профессор М.Г.Давлетшин ҳам «Умумий психология» ўқув қўлланмасида мулоқотнинг кишиларда қандай шаклланиши ҳақида фикрлар билдирган.

Демак, кишилараро муносабат жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири. Бу белги бадий асарларда ҳам ўз ифодасини топиб келган. Ёзувчи Худойберди

Тўхтабоев романларида болалар руҳият дунёси жуда гўзал ёритилган. Унда боланинг катталар билан муносабатида юзага чиқадиган энг нозик хислатлари, гап-сўзлари, ҳаракатлари ифодаланади. Ижодкорнинг «Сарик девни миниб» романи қаҳрамони ўта мулоқотга киришувчан бола. У катталар муносабатда бўлар экан, улар билан қандай вазиятда қандай муомала қилишни уддалайди. Бу бола табиатан қувноқ бўлгани учун кўпинча вазиятни кулгу билан юмшатмоқчи бўлади.

«Кеча ойим негадир баҳони сўрамади-ю, қани кундалигингни бир кўрсатчи, деб қолди. Ранги-кутим учиб кетди, нега десангиз, ишнинг бу ёғи сал ишқалроқ эди-да...

-Кундалигим ўқитувчимизда қолган, - деб қутулмоқчи бўлдим.

-Папкангни оч, деяпман!

Бошқа иложим бўлмаганидан кейин папкани очиб, секин кундаликни чиқариб бердим.

-Бу нима? - сўради ойим.

- Икки.

- Буниси-чи?

- Уч.

- Нега ёлғон гапирдинг?

- Ким ёлғон гапирибди? - дедим бўш келмай, - икковини қўшса беш бўлади, ойижон!

-Шунақами?

- Шунақа...

- Ойим қошларини чимириб, қўллари қалтираб, кундаликни варақлашда давом этди.

- Бу нима?

- Икки, ойижон.

- Буниси-чи?

- Буниси физикадан олинган баҳо.
- Хўп, мана бунисига нима дейсан?
- Ҳеч нарса деёлмайман, лекин ойижон, учовини кўшса беш бўлади».
- Шунаками?
- Шунақа....»

Боладан баъзан жуда кўп нарсаларни кутамиз. Унинг айтганимизни қиладиган, бизнинг талабларимизга жавоб берадиган бўлишини истаймиз. Аммо бола шундай дунёки, у қолип ва қоидаларга сиғмайди. У ўзича бир дунё бўлиб юради, ўзига олам яратиб олади, шу олами ичра яшайверади. Болани унга қандайдир талаб ва қоидалар қўйиб англаб булмайди. Психологларнинг аниқлашича, болалар билан ота-она ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкиллаштириш учун турли тўсиқлар халақит беради. Жумладан, банд бўлиш «тўсиғи», ота-оналар доимо банд бўлишади, болага эътибор беролмайдилар, чунки уларнинг уй юмушлари кўп. Бу болада ҳиссий ривожланишни тўхтатишига олиб келади. Иккинчи тўсиқ - ёшга боғлиқ «тўсиқ» бўлиб, бунда катталарнинг ёши улуг бўлгани учун болани тушунмайдилар. Боланинг ички дунёсини ҳисобга ололмайдилар. Катталар учун арзимаيدиган нарсалар бола учун муҳим бўлиши мумкин. Эски қолип «тўсиғи» - ота-оналар ўзининг боласини ёши улғайиб бораётганини сезишмайди. Фарзанд улғайиб борган сари ота-онасининг у билан ҳисоблашишларини истайди. Шунинг учун, улар ўртасида тушунмовчиликлар, низолар туғилади. Биз катталар фарзандларимиз бизни доимо тинглашларини хоҳлаймиз, бизга бўйсуниларини истаймиз. Уларнинг мустақил фикрларини эшитишга эринамиз. Демак, катталар болага нисбатан эски қарашларини йўқотишлари лозим. Шунда ўртадаги тўсиқ йўқолади.

Тарбиявий анъаналардаги «тўсиқ» - ота-оналар оиладаги илгариги тарбиявий таъсир усулларини қўллайдилар, болани руҳий ривожланиши даражасини ҳисобга олмайдилар. Улар ўзларининг малакаларини ошириш

устида ишламайдилар. Натижада бола билан ўрталарида тўсиқ пайдо бўлади, бир-бирларини тушуна олмайдилар.

Болалар катталар билан ўзаро муносабатида шахс бўлиб шаклланиб борадилар. Яъни, инсоний муносабатлар уларда бўй кўрсатади.

Ўсмир шахси ижтимоий муносабатлар махсулидир, бунинг сабаби, у доимо инсонлар даврасида, улар билан ўзаро таъсир доирасида бўлади. Бу эса ўсмир шахсининг энг етакчи ва нуфузли фаолиятларидан бири мулоқот эканлигига ишора қилади.

Инсоний муносабатлар шундай ўзаро таъсир жараёнларики, унда шахслараро муносабатлар шаклланади ва намоён бўлади. Бундай жараён дастлаб олимлар ўртасида рўй берадиган фикрлар, ҳис-кечинмалар, ташвиш-қувончлар алмашинувини назарда тутди. Одамлар мулоқотда бўлишгани сари улар ўртасида умумийлик, ўхшашлик ва уйғунлик каби сифатлар пайдо бўладики, ўсмир ўзига яқин одамларни тезлик билан ва дилдан тушуна бошлайди. Бундай ҳолат Х.Тўхтабоевнинг «Беш болали йигитча» асари қаҳрамони Орифжоннинг онасига бўлган муносабатида яққол намоён бўлади. Бола қалбига энг яқин, меҳрибон кишиси - онасини ғоятда яхши кўради. Онасига нисбатан меҳр, шафқат туйғулари яққол сезилиб туради. Шу сабабли онасининг мушкул аҳволини, изтиробларини дил-дилдан ҳис қилади, унга қандай бўлмасин ёрдам бергиси, оғирини енгил қилгиси келади. Беш нафар укасини ювиб-тараб, уй-рўзғор ишларига доимо ўзи қарашининг сабаби ҳам балки шундадир...

Бола ўзи билиб-билмай катталарга тақлид қилиб яшайди. У катталар билан бўлган ўзаро муносабатда ўзини англай бошлайди. Шундай экан, катталар ва болалар билан муносабатда сабрли ва хушёр булишлари жуда муҳим. Мана шу муаммо – болалар шахсининг ривожланиши, тарбиянинг аҳамияти Х.Тўхтабоев романларида аъло даражада ёритилган. Зеро, келажак авлоддан яхши инсонлар кутишдан аввал уларга яхши тарбия бермоқ зарур.

Умуман олганда, катталар ва муносабати азалдан муҳим ва долзарб бўлиб келган. Бу муносабат ёш авлодни комил инсон этиб тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга. Президент И.Каримов: «Фарзандларимиз биздан кўра кучлироқ, биздан-да ақллироқ ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» деган гапни бежиз айтмаган. Катталар ва муносабатини бадиий адабиётда ёзувчиларимиз томонидан ғоят нозик ифодаланган. Ўзбек болалар адабиётида Худойберди Тўхтабоев болалар руҳиятини ана шу муносабат асосида юксак маҳорат билан ёритган.